



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 13 май, № 101 (7881)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Азиз юртдошлар!  
Юртимиз мўмин-мусулмонлари ва бутун халқимизни Ер юзидagi ислом уммати томонидан кенг нишонланган улуг ва муборак айём — Рамазон Ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклаймиз.

Эл-юртимиз учун инсонпарварлик, сабр-қаноат, хайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган ушбу кутлуг байрам кунларида барчага ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, кейинги бир йилдан зиёд вақт давомида бутун дунё мамлакатлари қатори жонажон Ўзбекистонимиз ҳам пандемия билан боғлиқ мураккаб синовларни бошидан ўтказмоқда.

Бундай шароитда Рамазон ойи ва ҳайит байрамнинг моҳиятида муборак бўлган меҳр-мурувват, эҳтиёжманд тоифаларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатиш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини биргаликда, ўзаро елкадош бўлиб ҳал этишдек олижаноб қадриятлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзининг миллий урф-одат ва анъаналарига содиқ, меҳнатқаш ва саховатли халқимиз ана шундай юксак фазилатларни яққол намоён этиб, муқаддас Рамазон ойини тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитида ўтказгани ҳамда ушбу эъозли айёмни катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётгани унга алоҳида файзу шукуҳ бағишламоқда.

Бугунги кунда кенг кўламли ислохот

ва туб ўзгаришлар натижасида янгилаб бораётган юртимизда халқ билан мулоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, халқимизнинг бой ва қадимий диний-маънавий меросини тиклаш ва фаол тарғиб этиш, буюк аждодларимизнинг табарруқ қадамжоларини обод қилиш бўйича олиб борилаётган салмоқли ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида — калом илмининг атоқли намояндаси Абу Муин Насафий, Наманган вилоятида — тасаввуф таълимотиининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Кўплаб масжидлар, мадраса ва диний обидалар қайта қурилмоқда ва таъмирланмоқда, пойтахтимиздаги Ислам цивилизацияси маркази қурилиши жadal давом эттирилмоқда.

Муборак Рамазон ойида яна бир улкан хайрли ишни бошлаганимиз — буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги ёдгорлик мажмуасини ул зотнинг мусулмон оламидаги бекиёс обрў-эътибори ва нуфузига муносиб ҳолда барпо этишга киришганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Миллий тарихимизда биринчи марта кўп жилдли "Ислам" энциклопедияси нашр этила бошлагани ҳам муқаддас динимизнинг асл мазмун ва моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишларимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш, Ватанимиз раванқи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоханг бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу гошлар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Муҳтарам дўстлар!  
Бугунги шиддатли замон барча жабҳалар қатори диний-маърифий соҳада ҳам олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, дунё миқёсида рақобат тобора кескинлашиб, барқарорликка нисбатан таҳдидлар жиддий тус олаётгани бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашга, фарзандларимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашдек ғоят масъулиятли ишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият беришга даъват этмоқда.

Зеро, ислом дини — аввало, тинчлик ва дўстлик, аҳиллик ва бирдамлик, билим ва маърифат динидир. Мана шу олий ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чикармаслигимиз лозим.

Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллатлар ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенгликни, фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустақамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа

Бехбудийнинг "Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур", деган сўзлари бугун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бинобарин, диний қадриятларимизни, миллий ўзгичимизни улуғлаб яшаш билан бирга, давр талаби бўлган замонавий илм-фан ютуқлари, ахборот технологияларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратишимиз, ёш авлодимизни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашимиз керак.

Ҳурматли уламоларимиз, имом-хатибларимиз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, муҳтарам нурунийларимиз — кенг жамоатчилик яқин ҳамкорликда бу борада янада фаол ва самарали иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадри юртдошлар!  
Аллоҳ таоланинг марҳамати ёғиладиган ушбу барокатли ва нурафшон кунда сизларни яна бир бор азиру мукаррам Йўдул-Фитр билан чин дилдан табриклаймиз.

Дунёнинг узоқ-яқин мамлакатлари мусулмонларини ҳам самимий қутлаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишига тилақдошман.

Меҳнатқаш ва оққўнли халқимизнинг муътабар моҳи Рамазонда қилган барча эзгу ният ва дуолари ижобат бўлсин! Жонажон Ватанимизни, азиз халқимизни Яратганининг Ўзи панохида асрасин!

Рамазон Ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон Ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳроқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида **"Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони**ни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **100** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **43** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **10** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **44** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **12** нафари чет эл фуқаролари, **4** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **6** нафарини аёл ҳамда **52** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида **12 май кун**и ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чоракдаги кўрсаткичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тараққиёт, ҳаёт фаровонлиги мамлакатдаги макроиқтисодий вазиятга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, соҳага инвестициялар жалб этиш, соғлом рақобат муҳитини юзага чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлашга бевосита боғлиқ.

Айниқса, бугунги глобал пандемия шароитида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишга эришиш ҳар қачонгидан-да долзарб бўлиб, айни пайтда анчайин мураккаб кечмоқда. Ана шундай қийин вазият бўлишига қарамай, мамлакатимизда қўрилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишга эришилди.

Жумладан, биринчи чоракда мамлакатимиз япйи ички маҳсулотини **3** фоиз, sanoat **3,8** фоиз, кишлoқ хўжалиғи **3,1** фоиз ўсди. Давлат бюджети даромадлари прогнозга нисбатан қарийб **2** триллион сўмга кўпайди. Экспорт ҳажми январь — апрель ойларида **3,2** миллиард долларни ташкил этди.

Шунга қарамай, бугун кўлга киритилаётган ютуқларга маҳийё бўлиб ўтирадиган замон эмас. Ҳаёт шиддати олдимизга янги-янги масалаларни қўймоқда. Амалга ошираётган ишларимизни танқидий баҳолаб, янги марралар сари дадил ҳаракат қилиши ундамоқда.

Шу маънода, иқтисодиётимиз ривожланишида тўсиқ бўлаётган айрим иллатлардан хали халос бўлганимиз йўқ, десак, хато эмас. Жумла-

дан, соҳа коррупция аломатларидан қутулмаган, "яширин иқтисодиёт"га барҳам берилмапти. Ишлаб чиқариш нисбатан суст, истеъмол бозоридан нарх-наво нобарқарор ва инфляция юқори даражада қолмоқда. Банк тизими замон талабларидан ортда, хусусан, муаммоли кредитлар кўпайиб бормоқда. Узоқ йиллардан буюн занжир мисоли бир-бирига қирмашиб ётган бу масалаларни "занг"лардан тозалашнинг аллақачон мавриди келган.

— **Жуда катта имкониятлар яратдиқ, маблағлар бердик. Агар ҳамма тармоқ раҳбарлари "аравани тортгани"да кўлга киритилаётган ютуқлар икки баробар кўп бўларди. Вазирликларнинг "вертикал тизими" ишламаяпти. Раҳбарларда ташаббускорлик, уларнинг ўринбосарларида ваколат ва жавобгарлик етишмаяпти. Коррупцияга чек қўйсақ, жойларда тизим ишласа, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари масъулиятини оширса, иқтисодиёт ўзи ривожланади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда айрим тармоқ ва ҳудуд раҳбарларидаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, биринчи чоракда ишлаб чиқариш ҳажми "Узавтосаноат"да **40** фоиз, "Ўзбекнефтгаз" тизимида **4,7** фоиз, чарм маҳсулотлари тармоғида **10** фоиз пасайган. Кейинги бир йилда доридармон ва тиббийёт буюмларига эҳтиёж кескин ошган бир пайтда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ҳажми **22** фоиз қисқарган. Шунингдек, **74** та йирик ҳудудий корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан **1,1** триллион сўм камайишига йўл қўйилган.

Давлатимиз раҳбари бундай қолоқликни бартараф этиш, қўшимча захиралар топиб, амалда ишга солиш кераклигини таъкидлади.

Иқтисодий ўсиш учун, аввало, энергия ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш лозимлиги қайд этилди. Саноат тармоқлари, тадбиркорлар ва аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш учун "Ўзбекнефтгаз" томонидан иккинчи чоракда **9** миллиард куб метр табиий ҳамда **165** минг тонна суьлтирилган газ, "Иссиқлик электр станциялари" ва "Ўзбекгидроэнерго" тизимида жами **15,5** миллиард килловат электр ишлаб чиқариш талаб қилинади.

Электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, фармацевтика каби саноат тармоқларида юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун бундай имкониятлар борлиғи қайд этилди.

Йиғилишда "Худудга таъминот", "Ўздонмаҳсулот", "Агросервис", "Агролизинг" корхоналарида трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция жалб этиш ва экспортни янада кенгайтириш масалалари атрафлича муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, жорий йилнинг иккинчи чорағида **75** триллион сўмлик инвестициялар амалга оширилди.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **12 май кун**и Япония Бош вазири Ёсихидэ Суга билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Япония стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

2019 йил декабрь ойида Японияга амалга оширилган олий даражадаги ташрифдан сўнг амалий ҳамкорликда, очик ва самарали мулоқотда юксак натижаларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс ислохотлар дастурини фаол қўллаб-қувватлаётгани ҳамда коронавирусга қарши кураш ва пандемиянинг иқтисодий оқибатларини енгиб ўтишда кўрсатилган ёрдам учун Япония Бош вазири ва Ҳукуматиға самимий миннатдорлик билдирди.

Япония Бош вазири, ўз навбатида, янгилашларни янада илгари суриш, замонавий саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонга молиявий-техник кўмакни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Япония томони Тошкент Корея ярим оролини ядровий қуролдан холи ҳудудга айлантириш ва ўғирланган япон фуқароларини қайтариш масаласини муттасил қўллаб-қувватлаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти JICA агентлиги, Япониянинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари билан самарали шерикликни юксак баҳолади. Ўтган

йилда глобал инқироз ва карантин чекловларига қарамай, япониялик сармоюдор ва мутахассислар билан биргаликда Тўрақўрғон ИЭС қурилиши, Навоий ИЭСни кенгайтиришнинг иккинчи босқичи, "Навоийазот" корхонасида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик қувватларни ишга тушириш каби устувор лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажмини ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қўшма бизнес лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини жорий этиш ташаббусини маъқуллади.

Шунингдек, халқаро кун тартиби, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар "Марказий Осиё + Япония" форматидagi амалий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканликларини қайд этди.

Япония томони жорий йил июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига бағишланган халқаро конференцияни қўллаб-қувватлашини ва унинг ишида иштирок этишини таъкидлади.

Суҳбат сўнгида Ўзбекистон Президенти Токио шаҳридаги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари муваффақиятли ўтишини тилади ҳамда Бош вазир Ёсихидэ Сугани мамлакатимизга таширф билан келишига тақриф қилди.

Ўзбекистон ва Япония етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Психиатрия ёрдами тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 3 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчилик**

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 2, 3-бетларда.)

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**12 май кун**и Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари Рамазон Ҳайити муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар. Ушбу муқаддас айёмнинг барча мусулмонлар учун алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этиб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилакларини изхор қилдилар.

Президентлар икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини батафсил муҳокама қилдилар. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитда кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Хусусан, турли даражада ўзаро алмашинув ва мулоқотлар фаоллашди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш **40** фоизга ортди, **164** та янги қўшма корхона ташкил этилди, ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Самарқанд шаҳрида Туркия консулиги ўз ишчини бошлади. Қўшма маданий-гуманитар дастурлар, шу жумладан, таълим, кинематография ва спорт соҳаларида амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари Стратегик ҳамкорлик кенгашитишнинг йиғилишини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини қайд этдилар. Шу мақсадда келгуси

ойда Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда бизнес форум ўтказилади.

Бундан ташқари, саноат, энергетика, кишлoқ хўжалиғи, инфратузилма, транспорт, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши кўриб чиқилди.

Телефон мулоқоти чоғида етакчилар халқаро сиёсат масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Президентлар Шарқий Қуддусдаги вазиятнинг кескин тус олиши муносабати билан чуқур хавотирда эканликларини билдирдилар. Фаластин — Исроил муаммоси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши томонидан аввал қабул қилинган резолюциялар асосида тинч йўл билан ҳал этилиши лозимлиги қайд этилди.

Туркий кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги шерикликка алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг мулоқоти ҳар доимгидек ўзаро ишонч руҳида, очик ва дўстона ўтди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Психиатрия ёрдами тўғрисида

**◄ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).**

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
**маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш** – ўз соғлигининг ҳолати, руҳий ҳолати бузилганлигининг хусусияти ҳақидаги ҳамда касаллик ривожланишининг эҳтимолдаги прогнози, психиатрия ёрдами кўрсатиш мақсади, тартиби ва давом этиш мuddати, ташхис қўйиш, даволаш усуллари ҳамда мазкур ёрдамни кўрсатиш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган дори воситалари, уларнинг ножўя таъсирлари ҳақида тушунарли тарзда тақдим этиладиган ахборотни англаб етишга лаёқатли бўлган шахс томонидан ёзма шаклда ифодаланган ихтиёрий розилик ёки унинг қонуний вакилининг ёзма розилиги;

**психиатрия ёрдами** – шахсларнинг руҳий соғлиги ҳолатини текширувдан ўтказишга, руҳий ҳолатинг бузилишларини профилактика қилишга, уларга ташхис қўйишга, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш, параваршилаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилишга қаратилган махсус таъбирлар мажмуи;

**психиатрия муассасаси** – асосий вазифаси психиатрия ёрдами кўрсатишдан ibорат бўлган тиббиёт муассасаси;

**руҳий ҳолатинг бузилиши** – шахс руҳий ҳолатининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Халқаро касалликлар таснифига мувофиқ тан олинган ўзгариши;

**шифокор-психиатрлар комиссияси** – соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан тузилган, психиатрия ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан коллегиял равишда қарорлар қабул қилувчи уч нафар ёки undан ортиқ шифокор-психиатрдан ibорат бўлган комиссия;

**қонуний вакиллар** – ота-оналар (фарзандликка олувчилар), васийлар ёки руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг манфаатларини ифода этишга, уларга психиатрия ёрдами кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа шахслар.

#### 4-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларига психиатрия ёрдами кўрсатишда уларга нисбатан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан таътиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилишида ушбу Қонунда белгиланган барча ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

#### 5-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари

Психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари қонунийлик, ихтиמוий ҳимояланганлик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, ахборотнинг махфийлигидан ibоратдир.

#### 6-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш ва ихтимоий ҳимоя қилиш каfoлатлари

Давлат томонидан қуйидагилар каfoлатланади:
давлат тиббиёт муассасаларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, тез ёрдам, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббий тез ёрдам кўрсатиш чоғидаги бепул психиатрия ёрдами;

қонунчиликка мувофиқ барча турдаги психиатрия экспертизаларини ўтказиш;

тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясининг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, руҳий ҳолати бузилган шахсларга ихтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ва уларни ишга joyлаштиришга қумаклашиш;

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг васийлик масалаларини ҳал қилиш;

психиатрия ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасаларида, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларда ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ва юридик ёрдамнинг бошқа турлари;

фавқулодда вазиятлар чоғидаги психиатрия ёрдами.

руҳий ҳолати бузилган шахсларни психиатрия ёрдами билан таъминлаш ва ихтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун давлат:
психиатрия ёрдами кўрсатувичи барча турдаги муассасаларни, имконияти борича, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг яшаш joyида барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган вояга етмаган шахсларнинг давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим таъшилотларида таълим олишини ташкил этади;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида улар учун мослаштирилган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этган ҳолда, психиатрия муассасалари ҳудудида меҳнат терапияси, янги касб-хунарларга ўқитиш ва руҳий ҳолати бузилган шахсларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга joyлаштириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ишга joyлаштирувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун ихтисодий рабағлантириш (инициётлар, преференциялар бериш ва бошқалар) усулларини қўллашди;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ихтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўради.

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ихтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ уларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишни молиялаштириш «Соғлиқни сақлаш» соҳасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, психиатрия ёрдами кўрсатиш учун давлат томонидан каfoлатланган ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

#### 7-модда. Психиатрия ёрдами сўраб мурожаат этишнинг ихтиёрийлиги

Психиатрия ёрдами шахс ихтиёрий равишда мурожаат этган ва унинг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Психиатрия ёрдами вояга етмаган шахсга ота-онасидан бирининг ёки бошқа қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга эса унинг қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади.

#### 8-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари

Руҳий ҳолати бузилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қонунларида назарда тутилган фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларига эгадир.

руҳий ҳолати бузилган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

ўз шаъни ва қадр-қиммати камситилишини истисно этадиган тарзда журмат билан ва инсоний муносабатда бўлинишини;

ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ўзининг руҳий ҳолати инobatга олинган ҳолда ўзида мавжуд бўлган руҳий ҳолати бузилишининг хусусияти ва қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақидаги ахборотни ўзи учун тушунарли шаклда, ўз вақтида ҳамда тўлиқ олиш;

психиатрия ёрдамини энг кам чекловли шароитларда, имкони борича, яшаш joyида олиш;

стационар шароитларда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббиёт муассасасида фақат психиатрия ёрдами кўрсатиш учун зарур бўлган мuddат мoбайнида бўлиш;

тиббий кўрсатмалар бўйича даволашнинг барча турларидан фойдаланиш (шу жумладан санаторий-курортда даволашни);

психиатрия ёрдамини санитария-гигиена талабларига жаоб берадиган шароитларда олиш;

профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий жиҳатдан реабилитация қилиш усулларининг, дори воситаларининг ҳамда тиббий буюмларнинг, махсус шифобахш озик-овқат махсуслотларининг, илмий тадқиқотларнинг ёки ўқувнинг синовлар объекти сифатида фойдаланилишга, шунингдек фото-, видео-ёки кинотасвирга олишга маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уларни рад этиш, шу жумладан тиббий аралашувнинг исталган босқичида рад этиш;

ушбу Қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан исталган шифокор-психиатрни шифокор-психиатрлар комиссиясида ишлаш учун ўз розилиги билан тақлиф этиш; адвокатдан ёки қонуний вакилдан ёрдам олиш.

руҳий ҳолати бузилган шахслар ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеklangа фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини фақат психиатрия ташхисига, диспансер кузатувида, психиатрия стационарида ёҳуд тиббий-ижтимоий муассасада ёки давлат ихтисослаштирилган таълим муассасасида турганлик фақтига асосланиб чеklangа йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қонунга хилоф равишда чеklangанликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жаобгабр бўлади.

#### 9-модда. Касбга доир фаoлиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаoлиятнинг айрим турларини бажаришдаги қаovлар

Мажбурий психиатрия текширувидан ўтказиш натижаларига қўра шахс руҳий ҳолати бузилганлиги оқибатида касбга доир фаoлиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаoлиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча (қўли билан беш йил мuddатга ва кейин қайта текширувдан ўтиш ҳуқуқи билан) яроксиз деб топилиши мумкин.

Шахсни касбга доир фаoлиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаoлиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча яроксиз деб топиш тўғрисидаги қарор шахснинг руҳий соғлиги ҳолатини тиббий қарши кўрсатмалар рўйхатига мувофиқ баҳолаш асосида шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан қабул қилинади ва қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Касбга доир фаoлиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаoлиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун тиббий қарши кўрсатмалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда тўпланган тажриба ва илмий йутуқлар ҳисoбга олинган ҳолда вақти-вақти билан қайта қўриб чиқилади.

#### 10-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ифодалаш

Шахс психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз хоҳишига қўра вакилини тақлиф этишга ҳақли. Вакиллиқни расмийлаштириш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами кўрсатишда унинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни васий, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни эса ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили амалга оширади.

Шахсга психиатрия ёрдами кўрсатишда унинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни бепул юридик ёрдам тарзида адвокат, шунингдек бепул юридик ёрдам кўрсатишга ваколатли бўлган бошқа шахс амалга ошириши мумкин.

Шахслар ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда давлатнинг бепул юридик ёрдам тизими доирасида бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир.

Психиатрия муассасаси адвокат тақлиф этиш имкониятини таъминлайди, бундан ушбу Қонун 24-моддасининг еттинчи қисмида ва 31-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

#### 11-модда. Шахснинг руҳий соғлиги ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги талабни тақиллаш

Шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқараётганда унинг руҳий соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўзинчи шахслар томонидан тақдим этишни ёҳуд унинг шифокор-психиатр текширувидан ўтишини талаб қилиш тақиқланади, бундан қонунда белгиланган ҳоллар мустасно.

#### 12-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишда шифокор сирини сақлаш

Шахсда руҳий ҳолатининг бузилиши мавжудлиги, у психиатрия ёрдами учун мурожаат этанлиги фактлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек унинг руҳий соғлигининг ҳолати ҳақидаги бошқа маълумотлар қонун билан қўриқланадиган шифокор сирн ҳисобланади.

руҳий ҳолати бузилган шахснинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун унинг илтимосига ёҳуд қонуний вакилининг илтимосига биноан унга ва унинг қонуний вакилига мазкур шахс руҳий соғлигининг ҳолати ҳақида ҳамда унга кўрсатилган психиатрия ёрдами тўғрисида тушунарли шаклда ва руҳий ҳолати бузилган шахснинг руҳий ҳолатини ҳисoбга олган ҳолда маълумотлар тақдим этилади.

#### 13-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш

руҳий ҳолатинг бузилганлиги ташхиси умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва таснифларга мувофиқ қўйилади ҳамда шахснинг жамиятга қабул қилинган ахлоқий, маданий, сиёсий ва диний қадриятлари рад этишига ёҳуд унинг руҳий соғлига ҳолатига бевосита таълиқ бўлмаган бошқа сабабларга асосланиши мумкин эмас.

руҳий ҳолати бузилган шахсга ташхис қўйиш, уни даволаш ва реабилитация қилиш учун қонунчилик билан рухсат этилган усуллар, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар қўлланилади.

Ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш усуллари, шунингдек дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар хасталиқинг хусусиятига мувофиқ фақат ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш мақсадида қўлланилади ҳамда улардан руҳий ҳолати бузилган шахсни жазолаш ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланилмаслиги керак.

#### 14-модда. Маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш

руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан тиббий аралашув унинг маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Шифокор-психиатр руҳий ҳолати бузилган шахсга унинг руҳий ҳолатининг хусусияти, тасвия этилаётган даволашнинг мақсади, усуллари, шу жумладан мукобил усуллари ва даволашнинг давомийлиги ҳақида, шунингдек эҳтимом тутилган хавф, ножўя таъсирлар ва қўтилаётган натижалар тўғрисида тушунарли шаклда ва унинг руҳий ҳолатини ҳисoбга олган ҳолда ахборот тақдим этиши шарт. Шифокор-психиатр тақдим этилган ахборот тўғрисида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўяди.

Вояга етмаган шахсга нисбатан маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиқни ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар шундай розилиқни берадиган шахсга маълум қилингандан кейин ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили беради, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга нисбатан эса унинг қонуний вакили розилик беради.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик берганлиги ҳақида васийлигидаги шахснинг яшаш joyидаги васийлик ва ҳомиёлик органини хабардор қилади.

руҳий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилигисиз даволаш фақат тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш чоғида, шунингдек психиатрия муассасасига fairyхтиёрий тартибда ётқизилганда амалга оширилиши мумкин. Ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан руҳий ҳолат бузилишларини даволаш учун асл ҳолига қайтариб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарадиган жаррохлик усулларини ҳамда бошқа усулларни қўллашга, шунингдек улардан профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш усуллари, тиббиёт учун мўлжалланган дори воситалари ва буюмлари, махсус шифобахш озик-овқат махсуслотлари синовларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

#### 15-модда. Даволанишни рад қилиш

руҳий ҳолати бузилган шахс, руҳий ҳолати бузилган вояга етмаган шахснинг ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили тақлиф этилаётган даволанишни рад қилиш ёки уни тутатишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, бундан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган ёҳуд психиатрия муассасасига fairyрихтиёрий тартибда ётқизилган ҳоллар мустасно.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили даволанишни рад қилиш ёки уни тутатиш тўғрисида даволашни рад этилган ёҳуд тутатилган қуннинг эртасидан кечиктирмай ўз васийлиги остидаги шахснинг яшаш joyидаги васийлик ва ҳомиёлик органини хабардор қилади.

Даволанишни рад этган шахсга ёки унинг қонуний вакилига бундай рад этишининг ёҳуд даволанишни тутатишининг эҳтимом тутилган оқибатлари тушунтирилиши керак. Даволанишни рад этиш, рад этиш кунида тиббий ҳужжатга эҳтимом тутилган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйиш орқали ва даволанишни рад этган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор-психиатрнинг имзоси билан расмийлаштирилади.

#### 16-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари

руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ихроия кодексларида назарда тутилган асослар бўйича ҳамда тартибда суднинг қарорига қўра қўлланилади.

руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса ички ишлар органларининг жазони ўташ joyидаги тиббиёт муассасалари томонидан қўлланилади.

ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасаларида турган шахслар психиатрия стационарида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқларидан фойдаланади.

ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасаларида турган шахслар мажкур муассасада бўладиган бутун даврда меҳнатга лаёқатсиз деб топилади ва шифокор-психиатр ҳузурига мажбурий амбулатория кузатувида ва даволанишда турган шахслар билан тенг равишда давлат ихтимоий сугуртаси бўйича нафақа олиш ёки умумий асосларда пенсия олиш ҳуқуқига эга.

#### 17-модда. Суд-психиатрия экспертизаси

Жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизаси қонунчиликда назарда тутилган асосларга қўра ҳамда тартибда амалга оширилади.

#### 18-модда. Шахснинг ҳарбий хизматга яроклиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида психиатрия текширувини ўтказиш

Ўзбекистон Республикаси Мудоfoаа вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси сифатида шахснинг, шу жумладан ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Фаvқулодда вазиятлар вазирлиги, хизмат фаoлияти ҳақиқий ҳарбий хизматга тенглаштириладиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг бошлиқлар ҳамда оддий аскарлар тарихибдан бўлган шахсларнинг ўз руҳий соғлигининг ҳолатига қўра ҳарбий хизматга яроклиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида амбулатор ва стационар шароитларда психиатрия текширувидан ўтказиш асослари ҳамда тартиби ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кўчаларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом билан белгиланади.

#### 2-6бб. Психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар ва шахслар. Тиббиёт ходимларининг ҳамда бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 19-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар

Психиатрия ёрдамини психиатрия муассасалари, давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасалар кўрсатади.

руҳий ҳолатинг бузилишига ташхис қўйиш, уни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Психиатрия ёрдамининг турлари юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасалар томонидан кўрсатиладиган психиатрия ёрдамнинг турлари ҳақидаги ахборот фуқаролар учун очиқ бўлиши керак.

#### 20-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича фаoлият билан шугулланиш ҳуқуқи

Махсус олий тиббий маълумотга эга бўлган тиббиёт ходимлари (шифокор-психиатр, тиббий психолог ва психотерапевт) жамиятга қабул қилинган ахлоқий, маданий, сиёсий ва диний шугулланиш ҳуқуқига эга. Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этуви тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар руҳий ҳолати бузилган шахслар билан ишлаш учун махсус тайёргарликдан ўтиши керак.

Юридик шахсларга «Психиатрия ёрдами» ихтисослиги бўйича тиббий фаoлиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби қонунчиликда белгиланади.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Психиатрия ёрдами тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

Диспансер кузатуви шахс соғайиб кетганда ёки унинг руҳий ҳолати сезилари ва турғун яхшиланганда тугатилади. Диспансер кузатуви тугатилганидан кейин амбулатория шaroитларидаги психиатрия ёрдами ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда турган шахснинг илтимосига кўра ёки розилиги билан ёхуд унинг қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан кўрсатилади.

Рухий ҳолати бузилган шахснинг руҳий ҳолати ўзгарган тақдирда, у ушбу Қонуннинг 24 ва 25-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича ҳамда тартибда ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз текширувдан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда диспансер кузатуви шифокор-психиатрлар комиссиясининг қарорига биноан қайтадан ўрнатилиши мумкин.

### 29-модда. Диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестри

Диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестри (бундан бунён матнда Ягона реестр деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юритилади.

Ягона реестр руҳий ҳолати бузилган шахслар ҳақидаги кўйидаги мажбурий ахборотни ўз ичига олади:

паспорт маълумотлари (идентификацияловчи ID-карта маълумотлари);

диспансер кузатуви ўрнатилган ва тугатилган саналар;

психиатрия муассасаларида бўлиш муддатлари;

берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим этилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлар.

Ягона реестр руҳий ҳолати бузилган шахслар ҳақидаги бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ягона реестрни яратиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва мунтазам равишда янгилash билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари манбалари ҳамда қончиликда таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Ягона реестрдан фойдаланишга мажур реестрдаги ахборотнинг махфийлиги таъминланган ҳолда, фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган шахсларга рўхсат этилади.

### 30-модда. Психиатрия стационарига ётқизиш учун асослар

Психиатрия стационарига ётқизиш учун шахсда руҳий ҳолатнинг бузилиши мавжудлиги ва шифокор-психиатрнинг стационар шaroитларида текширувдан ўтқазиш ёки даволаш тўғрисидаги қарори ёхуд суднинг қарори асос бўлади.

Қончиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда психиатрия экспертизасини ўтқазиш зарурати ҳам психиатрия стационарига ётқизиш учун асос бўлиши мумкин.

Шахсни психиатрия стационарига ётқизиш ихтиёрий равишда унинг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Вояга етмаган шахсни психиатрия стационарига ётқизиш унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади. Ота-онасидан бири рози бўлмаган тақдирда ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили мавжуд бўлмаганда, вояга етмаган шахсни психиатрия стационарига ётқизиш васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан амалга оширилади, бу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилади.

Стационарга ётқизишга розилик тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали ва руҳий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор-психиатрнинг имзоси билан расмийлаштирилади.

### 31-модда. Психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқизиш учун асослар

Шахсни гайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш суднинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар руҳий ҳолати бузилган шахсни фақат стационар шaroитларида текширувдан ўтқазиш ёки даволаш мумкин бўлса, руҳий ҳолатнинг бузилиши эса оғир ҳамда кўйидагилар билан боғлиқ бўлса, бу шахс ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суд қарори чиқарилмасиданоқ психиатрия стационарига ётқизилиши мумкин:

унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф солиш эҳтимоли;

унинг ёрдамига муқоажлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларни муносиқ равишда қанаотлантиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдами кўрсатилмасдан қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви туфайли унинг соғлигига жиддий зарар етиши.

### 32-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш чоғида хавфсизликни таъминлаш чоралари

Стационар шaroитлардаги психиатрия ёрдами стационарга ётқизилган шахснинг ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган шaroитларда, тиббиёт ходимлари томонидан унинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Психиатрия стационарига гайриихтиёрий равишда ётқизилганда ва ёрда бўлганда жисмоний сиқувга олиш ва ажратиб қўйиш чоралари фақат шифокор-психиатрнинг ҳулосасига кўра, шахснинг ўзи учун ёки бошқа шахслар учун бевосита хавф туғдирувчи ҳаракатларини бошқа усуллар билан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда ва даврда қўлланилади ҳамда тиббиёт ходимларининг доимий назорати остида амалга оширилади.

Жисмоний сиқувга олиш ёки ажратиб қўйиш чораларини қўллаш шахслари ва вақти ҳақида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари стационарга гайриихтиёрий равишда ётқизишни амалга ошириш чоғида тиббиёт ходимларига ёрдам кўрсатиши ҳамда стационарга ётқизилаётган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш учун хавфсиз шaroитларни таъминлаши шарт.

Стационарга ётқизилаётган шахснинг атрофдагилар ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи ҳаракатларини бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда, шунингдек стационарга ётқизилиши лозим бўлган шахсни қидириш ҳамда ушлаш зарурати бўлганда ички ишлар органларининг ходимлари қончиликда белгиланган тартибда ҳаракат қилади.

# ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Энгил санаот тармоғида ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг барқарор даромадга эга бўлишига эришиш имконияти катта. Шу боис мутасаддиларга Асака, Ғиждувон, Когон, Қарши, Хатирчи, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳрида умумий қиймати 220 миллион долларлик йирик тўқимачилик корхоналарини фойдаланишга топшириш орқали 2 минг 500 нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш чораларини қўриш топширилди.

Ийгилишда жорий йилнинг биринчи чоррағида марказлашган инвестициялар бўйича режага нисбатан 2,7 триллион сўмлик ишлар кам бажарилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, 175 та уй-жойлар даҳсининг (мингта кўп қаватли уй) бoр-йўри 36 таси бўйича пудратчилар аниқланган.

Афсуски, қурилиш соҳасида қонунбузарликлар, адолатсизликлар ва қинғир ишлар ҳамон давом этмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Хоразмда объектлар қурилиш рейтингини бўйича мос келмайдиган қурувчи ташкилотларига берилган.

### 33-модда. Ўз қонуний вакилларининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилган вояга етмаган шахсларни ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларни текширувдан ўтқазиш

Ўз қонуний вакилларининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилган вояга етмаган шахс ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс ушбу Қонун 34-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим. Дастлабки олти ой ичида бу шахслар стационарда ётишни узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан ҳар ойда камидан бир марта текширувдан ўтказилиши лозим.

Стационарда ётти олти ойдан ортқ узайтирилган тақдирда, руҳий ҳолати бузилган шахсни текширувдан ўтқазиш шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан олти ойда камидан бир марта амалга оширилади.

Шифокор-психиатрлар комиссияси ёки психиатрия стационари маъмурияти вояга етмаган шахсни ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни стационарга ётқиришда йўл қўйилган суиест-молликларни аниқланган тақдирда, психиатрия стационари маъмурияти бу ҳақда васийликдаги шахснинг турар жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади.

### 34-модда. Психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқизилган шахсларни текширувдан ўтқазиш

Ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослар бўйича психиатрия стационарига ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахс шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан қирқ саккиз соатдан ошмаган муддатда мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим, комиссия стационарга ётқизилганликнинг асосланганлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Стационарга ётқириш асосида деб топилган ва стационарга ётқизилган шахс психиатрия стационарида қолиш истгани билдирмаган ҳолларда, у дарҳол стационардан чиқарилиши лозим.

Агар руҳий ҳолати бузилган шахсни стационарга ётқириш асосли деб топилса, шахснинг у ерда бундан бунён бўлиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун шифокор-психиатрлар комиссиясининг ҳулосаси йигирма тўрт соат ичида психиатрия стационари жойлашган ердаги судга юборилади.

Рухий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқириш тўғрисидаги ариза судга шахс ётган психиатрия стационари томонидан берилади.

### 35-модда. Рухий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқириш тўғрисидаги ариза юзасидан суднинг қарори

Суд руҳий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқириш тўғрисидаги аризани маъмулан қўриб чиқиб, уни қанаотлантиради ёки рад этади.

Узига нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг қонуний вакили, психиатрия стационари раҳбари суднинг қарори устидан шикоят қилиши ёки прокурор протест келтириши мумкин.

### 36-модда. Рухий ҳолати бузилган шахснинг гайриихтиёрий тартибда стационарда ётишини узайтириш

Рухий ҳолати бузилган шахснинг психиатрия стационарида гайриихтиёрий тартибда бўлиши фақат стационарга ётқириш амалга оширилган асослар сақланиб турган вақт мобайнидагина давом этади.

Психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқизилган шахс шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан стационарда ётишни узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун дастлабки олти ой мобайнида ҳар ойда камидан бир марта текширувдан ўтказилиши лозим.

Рухий ҳолати бузилган шахс психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқизилган пайдан эътиборан олти ой ўтган шифокор-психиатрлар комиссиясининг стационарда бундай ётишни узайтириш зарурлиги тўғрисидаги ҳулосаси психиатрия стационари маъмурияти томонидан психиатрия стационари жойлашган ердаги судга юборилади. Суд стационарда ётишни ушбу Қонуннинг 34 ва 35-моддаларида назарда тутилган тартибда узайтириши мумкин.

Рухий ҳолати бузилган шахснинг психиатрия стационарида ётиши олти ойдан ортқ муддатга узайтирилганда шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан мажур шахсни текширувдан ўтқазиш олти ойда камидан бир марта амалга оширилади.

### 37-модда. Психиатрия стационарларида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари

Рухий ҳолати бузилган шахсга уни психиатрия стационарига ётқириш асослари ва мақсадлари, унинг ҳуқуқлари ҳамда стационарда ўрнатилган қондалар тушунтирилиши керак, бу ҳақда тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган руҳий ҳолати бузилган шахслар:

текширувдан ўтқазиш, даволаш, психиатрия стационаридан чиқариш ва ушбу Қонун билан берилган ҳуқуқларга риоя этиш масалалари юзасидан бевосита бош шифокорга ёки бўлим мудирига муурожаат этишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар беришга;

адвокат ва дин пешвоси билан ёлғиз учрашишга;

тиббий қарши кўрсатмалар бўлмаганда диний расм-русулларни бажаришга;

газеталар ва журналларга обуна бўлишга;

агар руҳий ҳолати бузилган шахс ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларининг дастури бўйича таълим олишга;

агар руҳий ҳолати бузилган шахс фойдали меҳнатда иштирок этаётган бўлса, меҳнати учун унинг миқдори ва сифатига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳақ олишга;

ёзишмалар олиб боришга, посылкалар, бандероллар ва пул жунатамалари олиш ва жунатишга, телефондан фойдаланишга, келувчиларни қабул қилишга, энг зарур нарсаларга эга бўлиш ва уларни сотиб олишга, ўз кийим-кечагидан фойдаланишга ҳақли. Бу ҳуқуқлар руҳий ҳолати бузилган шахснинг ўз бошқа шахсларнинг соғлиги ёки хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб шифокор-психиатрнинг тавсиясига кўра чекланиши мумкин.

Газеталар ва журналларга якка тартибда обуна бўлиш, телефонда сўзлашувдан ҳамда бошқа пулли хизматлар руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган руҳий ҳолати бузилган шахслар қончиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 38-модда. Психиатрия стационари маъмуриятининг ва тиббиёт ходимларининг мажбуриятлари

Психиатрия стационарининг маъмурияти ва тиббиёт ходимлари руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун шарт-шaroитлар яратиши, шу жумладан:

психиатрия стационарига даволаниш ёки текширувдан ўтиш учун ётқизилган шахсларни зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш;

ушбу Қонуннинг матни, мажур психиатрия стационарининг ички тартиб-қондалари билан, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда муурожаат этиш мумкин бўлган давлат органлари ҳамда бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг манзиллари ҳамда телефон рақамлари билан танишиш имкониятини бериши;

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ёзишмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар йўллаши учун шарт-шaroитлар яратиши;

руҳий ҳолати бузилган шахс психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқизилган пайдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида унинг қонуний вакилини, қариндошларини ёки унинг кўрсатмасига кўра бошқа шахсни хабардор қилиш чораларини қўриши;

руҳий ҳолати бузилган шахснинг соғлиги ҳолатидаги ўзгаришлар ва у билан боғлиқ факултодда ҳодисалар ҳақида унинг қонуний вакилини ёки қариндошларини, шунингдек унинг кўрсатмасига кўра бошқа шахсни хабардор қилиши;

психиатрия стационарида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаши, посылкалар ва олиб келинган нарсалар таркибини назорат қилиши;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, ammo қонуний вакилга эга бўлмаган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг қонуний вакили вазифасини бажариши шарт.

Психиатрия стационари маъмуриятининг ва тиббиёт ходимларининг зиммасида қончиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 39-модда. Рухий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационаридан чиқариш

Рухий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационаридан чиқариш у соғайиб кетган ёки унинг руҳий ҳолати яхшиланиб, бундан бунён стационарда даволаниш талаб этилмайдиган, шунингдек психиатрия стационарига ётқириш учун асос бўлган текширувдан ўтиш ёки психиатрия экспертизаси нҳюрасига етказилган тақдирда амалга оширилади.

Психиатрия стационарига даволаниш учун ихтиёрий равишда ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш унинг аризасига, қонуний вакилининг аризасига ёки даволоччи шифокор-психиатрнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Психиатрия стационарига гайриихтиёрий тартибда ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш шифокор-психиатрлар комиссиясининг ҳулосасига ёки суднинг стационарда ётишни узайтириши рад этиш тўғрисидаги қарорига биноан амалга оширилади.

Суднинг қарорига биноан ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари қўлланилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш фақат суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Психиатрия стационарига ихтиёрий равишда ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш, агар гайриихтиёрий тартибда ётқириш учун ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослар шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан аниқланмаган бўлса, рад этилиши мумкин. Бундай ҳолда психиатрия стационарида бўлиш, ётишни узайтириш ва стационардан чиқариш масалалари ушбу Қонуннинг 34–36-моддаларида, шунингдек ушбу модданинг ичкни қисмида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 40-модда. Рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш асослари ва тартиби

Рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга шахсларни жойлаштириш учун руҳий ҳолати бузилган шахснинг аризаси, шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг ҳулосаси, вояга етмаган шахс ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс учун эса васийлик ва ҳомийлик органининг мажур тиббий комиссиянинг ҳулосасига асосан қабул қилинган қарори асос бўлади.

Тиббий комиссиянинг ҳулосаси шахсда руҳий ҳолатининг уни ихтисослаштирилмаган тиббий-ижтимоий муассасада туриш имкониятидан маҳрум этадиган тарзда бузилиши мавжудлиги ҳақидаги, муомалага лаёқатли шахсга нисбатан эса уни муомалага лаёқатсиз деб топил тўғрисидаги масалани суд олдига қўйиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органи руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштирилган шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қўриши шарт.

### 41-модда. Вояга етмаган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш асослари ва тартиби

Вояга етмаган, руҳий ҳолати бузилган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ва тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш учун унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг аризаси ҳамда тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг мажбурий ҳулосаси асос бўлади.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг ҳулосаси вояга етмаган шахснинг давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мослаштирилган таълим дастурини ўзлаштириши мумкинлиги ва (ёки) зарурлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

### 42-модда. Рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ёки тиббий-ижтимоий муассасаларда турган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажур муассасалар маъмуриятининг ва ходимларининг мажбуриятлари

Рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ёки тиббий-ижтимоий

муассасаларда турган шахслар ушбу Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ёки тиббий-ижтимоий муассасалар маъмурияти ва ходимларининг ушбу муассасаларда турган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга қаририш учун шарт-шaroитлар яратишга доир мажбуриятлари ушбу Қонуннинг 38-моддасида, шунингдек бошқа қончиликда белгиланади.

Рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ёки тиббий-ижтимоий муассасалар ушбу муассасаларда турган шахсларни бир йилда камидан бир марта тиббий текширувдан ўтқазиши шарт. Тиббий текширув ушбу шахсларнинг мажур муассасаларда бундан бунён туриши тўғрисидаги, шунингдек уларнинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақидаги қарорларни қайта кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссия томонидан ўтқазилади.

### 43-модда. Рухий ҳолати бузилган шахсларни қўчириш ва чиқариш асослари

Рухий ҳолати бузилган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасасидан ёки тиббий-ижтимоий муассасадан умумий турдаги худди шундай муассасага қўчириш учун шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг мажур шахсда ушбу муассасада туриш учун тиббий кўрсатмалар мавжуд эмаслиги ҳақидаги ҳулосаси асос бўлади.

Рухий ҳолати бузилган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасасидан ёки тиббий

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШДА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ ЗАРУР

Сув ресурслари бўйича Осиё парламентларо маслаҳат кенгашининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Видеоқонференция шаклида ташкил этилган тадбирда ушбу тизимда вакиллари, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутатлари ҳамда мамлакатимиз парламенти аъзолари, соҳа мутахассислари қатнашди.

Маслаҳат кенгаши мажлиси

Мажлисида сувни исроф қилмаслик, сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг энг маъмул ва асосланган ечимларини излаш ҳамда чучук сувнинг экологик, иқтисодий ва сиёсий қийматини сақлаб қолиш каби ўта долзарб масалалар кўриб чиқилди. Тадбир иштирокчилари томонидан иқлимнинг кескин ўзгариб бориши, сув ресурслари етишмаслиги ва ифлосланиши, ичимлик суви сифатининг пасайиши, ерларнинг деградацияси, биологик хилма-хиллик кескин пасайиши, аҳоли саломатлиги ва геофондининг ёмонлашиши ҳамда Орол денгизининг қуриши каби масалалар таҳлил қилинди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси Борий Алихонов ҳам иштирок этди. Мажлис давомида сув ресурслари бўйича Осиё парламентларо маслаҳат кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида хисоботлар эшитилди. Шунингдек, анжуманда сув билан боғлиқ долзарб муаммолар, давлатлар ўртасида қонун ҳужжатлари алмашиши, уларнинг Осиё парламентларо маслаҳат кенгаши фаолияти асосий йўналишларига мувофиқлигини муҳокама қилиш орқали Осиёда сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар берилди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Сийosatshunoslar парламентни мамлакатнинг уриб турган юрагига қийслашди. Бу фикрда асло муболага йўқ. Чунки парламент томонидан қабул қилинган қонунлар мамлакат тараққиёти ва истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Дўстлик риштаси

Шу жиҳатдан айтиш жоиз, мамлакатимизда парламент дипломатиясини ривожлантириш, халқро парламентларо алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида янги қадамлар ташланмоқда. Бунда хоризк давлатлари парламентлари билан дўстлик гуруҳлари имкониятларидан кенга фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Бунда яқинда Олий Мажлис ва Швеция Риксдаги парламентларо ҳамкорлик гуруҳи ўртасида видеоқонференция шаклидаги ўчрашувнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Учрашувда дўстлик гуруҳига аъзо депутатлар, Швеция Риксдагининг Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳи раиси Ханна Вестерен бошчилигидаги дўстлик гуруҳлари аъзолари қатнашди ва икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик соҳаларида мунтазам тажриба алмашиб боришга келишиб олдидилар.

Мулоқотларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси раиси Дилором Файзиёва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси асосида бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида ҳамда палата фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари ҳақида батафсил фикр юритди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Швеция парламенти вакиллари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни билдириди. Бу, албатта, икки давлат ўртасидаги парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан бирга халқро миқёсдаги имкониятларимиз кенгайишига хизмат қилади.

Дилором УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЎЛАДИГАН МУҚОБИЛ ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Яқинда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Кутбиддин Бурхонов ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова Тошкент вилоятининг қатор туман ҳамда шаҳарларида бўлиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва аҳоли вакиллари билан ўчрашувлар ўтказди. Самимий ҳамда очик рўхда кенган мулоқотлар жараёнида аҳоли ўзи муаммоларини рўйирост гапирди. Муҳими, ана шу муаммоларнинг муайян қисми жойида ҳал бўлди, тегишлилари эса мутасадди ташкилотларга тақдим этилиб, уларнинг ижроси сенаторлар томонидан назоратта олинди.

Сенатор ва ҳаёт

Жумладан, Бўстонлик, Бўка, Юқори Чирчиқ, Қўрай ва Паркент туманлари ҳамда Бекобод, Ангрэн ва Олмалик шаҳарларида ташкил этилган сайёр қабулларда ўнлаб фуқаролар ўзларини қийнаб келаётган муаммо ҳамда камчиликларни ўртага ташлади. Мурожаатларда илгари сурилган масалалар турли соҳаларга тааллуқли бўлгани боис уларни ҳал этишга тегишли ташкилотлар вакиллари ҳам жалб қилинди.

Фуқаролар, асосан, уй-жойли бўлиш, ишга жойлашиш, кредит олиш, ер майдони бериш каби бир қатор масалалар бўйича мурожаат қилди. Сайёр қабул давомида мурожаатлар мутасаддилар томонидан ўрганилиб, жойида ҳал этилди. Шундан сўнг сенаторлар Олмалик конметаллургия комбинатида ишчиларга яратиб берилган шарт-шароит билан танишди. Айни пайтда комбинатнинг 38 мингдан зиёд ишчилари бўлиб, уларнинг салкам 13 мингини ёшлар, 8 мингдан ошмироғини хотин-қизлар ташкил этади. Комбинатда сўнгги йилларда ишлаб чиқариш борасида ўсиш кузатилаётди. Бу эса ишчилар сафини янада кенгайтириш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, янги иш ўринларига маҳаллий аҳоли вакиллари қабул қилиш масаласи муҳокама марказида бўлди.

Сенаторлар Олмалик шаҳри ва Қуйи Чирчиқ тумани маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳам ўчрашув ўтказди. Унда қатор долзарб масалалар, хусусан, «Халқпарвар» комиссияси фаолиятини ташкил этиш, уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш, шунингдек, туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантириш ҳамда уни сарфлаш борасида киритилган янгиликлар тўғрисида сўз юритилди. Масалан, туман (шаҳар) бюджетлари тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи ва туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларга сарфланиши, тартиб-қоида ҳамда қўйилган талаблар юзасидан батафсил тушунтириш берилди.

Шунингдек, Сенат аъзолари иш ва уй-жой масалаларида тўсиқларга дуч келаётган аҳоли вакиллари билан ўчрашди, улар муаммоларига ечим бўладиган муқобил таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Назорат ва таҳлил

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИШ ТАЛАБИ ҚЎЙИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини ўрганишга бағишланган назорат-таҳлил тадбири ўтказилди.



Унда Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридagi Давлат персоналлаштириш марказининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси ҳамда ушбу ҳужжатнинг 2021 йил 15 апрель куни қучга кириши назарда тутилган 27-моддаси ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Ижтимоий тармоқлар ва интернет компаниялар Ўзбекистон Республикасида қонуний фаолият юритишни исташи, ўз техник воситаларини Ўзбекистон ҳудудига ҳам ўтказишлари шартлигини ёки белгиланган тартибда мазмурий ёҳуд жинсий жавабгарликка тортилишлари мумкинлигини аниглади.

«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуннинг маъзур моддаларига қўра, энди «Facebook Inc.» (Facebook Messenger, Instagram, WhatsApp), Google (Google Messenger, YouTube), Mail.ru (Вконтакте, Одноклассники), Microsoft Skype, Telegram, Tencent Wechat, TikTok, Twitter, Yandex (Яндекс.Такси, Яндекс.карты, Яндекс.мессенжер, Яндекс.денгъи) каби ижтимоий тармоқлар ва интернет компаниялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришда давлат реестрида рўйхатдан ўтказилиши шартлиги белгиланган. Бу эса

Давлат персоналлаштириш маркази директори У. Тошхўжаевнинг сўзларига қўра, ушбу йўналишда марказ томонидан бугунги кунга қадар бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан, шахсга доир маълумотларга ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлов беришда хоризкда фаолият юритаётган компанияларга қонунчилик талабларини бажариш ҳақида мурожаат хатлари юборилган. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси талаблари ижросини таъминлаш мақсадида яратилган pd.gov.uz ахборот тизими орқали шахсга доир маълумотлар базалари Давлат реестри рўйхатидан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Халқ вакиллари қайд этишича, қонун нормаси қучга кирганига 1 ой бўлган бўлса-да, ваколатли давлат органи томонидан маъзур соҳа бўйича қўра қўринадиган натижаларга эришилгани депутатларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди.

Танқидий рўхда ўтган ушбу тадбир баҳс-мунозараларга бой бўлди, шунингдек, қонунчилик талабаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича Вазирилар Маҳкамаси ҳамда Давлат персоналлаштириш маркази олдида аниқ чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, қонун ижросини ўз вақтида таъминлаш талаби қўйилди.

«Халқ сўзи».

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛЯПТИ?

Молия вазиригида Вазирилар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари М. Қурбонбоев, А. Умиров, Ж. Қосимов, Молия вазириги ҳамда Давлат солиқ кўмитаси мутахассислари қатнашди. Қайд этилгандек, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, коронавирус пандемиясининг иқтисодий тармоқларга салбий таъсирини юмшатиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган нормалар ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳаси билан электр двигатель орқали харакатланадиган автоматотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинчалик олиб кириш учун йигим тўлашдан озод этилиш назарда тутилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси хар бир шаҳар ва туманларининг ўзига хос «ўсиш нуқтаси» деб аниқланган фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар фойда ва сув солиқлари бўйича 50 фоизлик имтиёз берилмоқда. Тадбиркорлар берилган имтиёزلардан оқилона фойдаланган тақдирда солиқлардан иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан фаолиятини янада кенгайтириш имконияти яратилди.

Депутатлар томонидан қонун ижодкорларига лойиҳа юзасидан саволлар берилиб, мутахассислар томонидан батафсил жавоб ва тушунтиришлар олди.

Давра суҳбатида қонунчилик техникасидан келиб чиқиб, лойиҳага бир қатор тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»).

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР ЯНАДА КУЧАЯДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ҳодимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармони билан соҳани янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Тиббиёт

Маъзур ҳужжатда 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «Тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармокли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, айни вақтда институтимиз ҳодимларидан иборат 8 та ишчи гуруҳи тузилиб, Самарқанд вилоятидаги оилавий поликлиникаларга бриктирилди. Мавжуд 15 та туман ва 11 та шаҳар оилавий поликлиникасида тиббий хизмат шакллантиришга, аҳоли хавф гуруҳларига ажратилиши ҳамда диспансер назоратга олиниши, кишлоқ ва маҳаллаларда эса «Тиббиёт бригадалари» ташкил этилиши режалаштирилди.

Фармонга мувофиқ, клиник ординатура ўқишнинг янги тизими жорий этилмоқда. Аввало, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб клиник ординатура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси икки баравар оширилди. Янги тизимга қўра, клиник ординатура ўқув даврининг иккинчи йили ҳудудлардаги иқтисослаштирилган тиббиёт марказлари филиалларида, вилоят бошлар ва катталар кўп тармокли тиббиёт марказлари, Республика шоишлинч тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилади, шунингдек, маълум бир қисми иш жойида давом эттирилади.

Институтимиз томонидан жорий ўқув йилидан бошлаб барча юқори курс клиник ординаторлари Самарқанд ва Қашқадар вилоятларидаги турли тиббиёт муассасаларига жалб қилиниб, амалий дарсларни ўзлаштирмоқда. Ушбу Фармон билан ҳудудларга зарур бўлган тур мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун тегишли маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда грант ажратилиши ҳамда маъзур грант асосида таълим олган битирувчиларга ўша ҳудудга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилиши, яшаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўллаб берилиши назарда тутилмоқда. Натижада яқин йилларда олис ҳудудларда ҳам бар-

белгиланган жойларга автобусларда олиб бориб келинаётди.

Эътиҳага қўра, профессор-ўқитувчилар битирувчи курс талабалари билан бирга оилавий шифокорлик пунктларида бориб, беморларни қабул қилмоқда ҳамда оилавий шифокорлар ва ўрта тиббиёт ҳодимларига беморлар қўриғи, «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси», «Соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш», «Тўғри овқатланиш тамойиллари», «Жисмоний фаоллик ва унинг аҳамияти» мавзуда маъруза ҳамда семинарлар, маҳорат дарслари ўтказмоқда.

Мақсадли скрининг ва тиббий қўриқларда ҳам профессор-ўқитувчилар, талабалар фаол иштирок этмоқда. Худудларда аниқланган беморлар гуруҳи тўлиқ қамраб олиниб, соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилгандан сўнг кафедра профессор-ўқитувчиларининг туманлар бўйича ротацияси амалга оширилиши белгиланган. Ушбу ротация тумандаги беморларнинг мутахассислар қўриғига бўлган эътиҳага қараб олиб борилади.

Бундан ташқари, вилоятимизда жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари ва коллежларда клиник базалар ташкил қилинган. Жумладан, Самарқанд, Сибё, Ургут, Пастдаргом, Иштихон, Каттакўрғон, Пахтачидаги техникумлар билан келишилган ҳолда уларга институтнинг 32 та клиник кафедраси бриктирилди ва ушбу техникумларда талабаларнинг ўқув амалиётини ўташи учун барча шарт-шароит яратилди.

Институтда ҳозирги вақтда бакалавриятнинг 10 дан ортиқ йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Биринчи курсга 2020/2021 ўқув йилида 1 минг 30 абитуриент талабаликка қабул қилинди. Шу йил институтимизда фармация иши, тиббий профилактика, жамоат саломатлиги ва тиббий биология факультетлари ҳамда халқ таботати бўйича йўналишларининг йўлга қўйилиши янги имкониятлар эшикларини очиб берди.

Йилдан-йилга солиштириб қараганда, бу йил тиббиёт олий таълим муассасаларида қабул квоталари оширилди. Ана шу талаб тўғрисида институтимизнинг 800 ўринли янги ўқув биноси қурилмоқда. Бу ўқув масканимизда қабул квотасини янада оширишга, ёшларнинг замонавий шароитларда таълим олишига имкон яратяди.

Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб деярли хар қуни онлайн конференциялар, давра суҳбатлари ҳамда

вебинарлар ташкил қилиш йўлга қўйилган. Бу каби тадбирлар натижада ўлароқ бугун институтнинг илмий салоҳияти 29,7 фоиздан 40 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Институтда илмий тадқиқот ишларининг сифат ва самарадорлигини яхшилаш, кафедралар илмий салоҳиятини кўтариш, ёш педагог ҳодимларнинг «Scopus» ва «Wos» илмий базаларга кирувчи журналларда мақола чоп этиши, монографиялар нашр қилиш ҳамда диссертация тадқиқотларини олиб бориш бўйича кўнмикларини юксалтириш мақсадида 20 нафар ёш иқтидорли ҳодимимиз малака оширди.

Институтда 2021 йилдан бошлаб Европа Иттифонининг «ERASMUS» дастури доирасида умумий қиймати 2 миллион евроно ташкил этувчи 2 та халқаро академик грант лойиҳа, шунингдек, АКШнинг «Smile Trend» ташкилотининг гранти ҳисобидан стоматология ва юз-жаҳ жарроҳлиги соҳасида илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг асосий мақсади институтда олиб борилаётган таълим жараёнининг халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда илмий ишларнинг халқаро эътирофига эришилганидан иборат.

Утган ўқув йилидан бошлаб институтимизга олий тиббий маълумот олиш исгани билдирган 475 нафар хоризжлик талабани қабул қилдик. Яқин келажақда биз жаҳон рейтингидеги энг яхши 1000 та университет сафидан жой олишни мақсад қилганимиз. Бунинг учун етарли имконият, илмий салоҳият мавжуд.

Пандемия сабаб карантин тартиби эълон қилинган вақтдан бошлаб институтимиз масофадан ўқитиш жараёнига тўлиқ тайёр эди. Яъни барча асосий ўқув материалларини электрон форматда таржима қилинган ва махсус яратилган виртуал ресурс базаларига жойлаштирилган бўлиб, уларга институтнинг барча ўқитувчи ҳамда талабалари кириши мум-



кин. Шунинг учун ўқув йилини тўлиқ шай ҳолда бошладик.

Таъкидлаш керакки, пандемия даврида халқимизга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда халқ ишлари бажаришимиз зарурлиги ойдинлашди. Шу боис 2020/2021 ўқув йилидан институтимизда Россия Федерацияси, Украина ва Польша билан ҳамкорликда бакалаврият таълими йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича қўра таълим дастурларига қабул амалга оширилди.

Талабаларни фаол яратувчанлик ишларига, ўқишга рағбатлантириш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, «Ректор стипендиеси» жорий этилди. Бўлажак шифокорларни фаолликка ундаш мақсадида «SAMMI UNION» ёшлар ассоциацияси ҳамда «Талабалар илмий жамайти» ташкил қилинди.

Хозирги кунда институтимизда кредит-модул тизими қўлланилаётган бўлиб, бу олий таълим соҳасида етакчи тенденция эканлиги намойён бўлмоқда. Ушбу тизимнинг республика олий ўқув юртияларга татбиқ этилиши, шубҳасиз, кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини оширишга, шунингдек, олий таълим тизимининг жаҳонга интеграциялашувига ёрдам беради. Шунан, бу соҳадаги ислохотлар айнан шунга қаратилган.

Жасур РИЗАЕВ, Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 26 617 нусхада боисилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида боисилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоихона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўрамазлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сазифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.40 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6